

**«O‘zagrolizing» aksiyadorlik jamiyati**  
**акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши БАЁНИ**

**2018 йил 20 апрель**

**№ 01/2018**

**Тошкент шаҳри.**

Йиғилишга раислик қилди:

Ш. Махмудов - Кузатув кенгаши аъзоси.

“O‘zagrolizing” aksiyadorlik jamiyatining asosiy faoliyati respublika kishloq xўjaligi korxonalariga lizing xizmatlarini kўrsatishdan iborat bўlib, mazkur Jamiat Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 486-сонли қарори асосида ташкил этилган, Хукуматнинг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарорига мувофиқ эса унинг вазифалари кенгайтирилган.

Молиявий йил якунланиши муносабати билан акциядорларнинг навбатдаги йиллик Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги Жамият Кузатув кенгашининг 2018 йил 06 апрелдаги 225-сонли қарори Умумий йиғилиш катнашчилари эътиборига етказилган.

Кузатув кенгаши аъзоси Акциядорлар умумий йиғилишининг Раёсати ва Котибини сайлаш тўғрисида таклиф киритди.

Ш. Махмудов - Умумий йиғилиш раиси, Ш. Очилов ва А. Хўжакулов Умумий йиғилиш раёсати аъзолари ҳамда П. Ходжиев йиғилиш котиби этиб сайландилар.

**Кун тартиби:**

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича Бош директор вазифасини вақтинча бажарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият Кузатув кенгашининг 2017 йилдаги фаолияти ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2017 йил фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2017 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2017 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш.
9. Ўз вазифаларини бажарганлиги учун Жамият кузатув кенгаши аъзолари ва котибига, Бошқарув раиси ва аъзоларига йиллик мукофот пули ва тафтиш комиссиясига бир маротабалик ҳақ тўлаш.
10. Жамият акциядорлари томонидан белгиланган даъво муддатида талаб қилиб олинмаган дивидендларни Жамият ихтиёрида колдириш.
11. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
12. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
13. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини эшитиш.
14. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилиланган шахслари билан ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш.
15. Жамиятнинг бош директорини сайлаш.

Кун тартибидаги масалалар бўйича қуйидаги маъруза ва ахборотлар эшитилди:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси Ш. Махмудов Кузатув кенгашининг 2018 йил 06 апрелдаги 225-сонли қарорига асосан 3 кишидан, яъни Узаков Хасан Тиркашович, Мирсаидова Манзура Муроджон қизи ва Турсунов Марат Турдиахуновичдан иборат этиб Санок комиссияси тузилганлигини ва мазкур таркибдаги номзодларни тасдиқлаш учун умумий йиғилишга таклиф киритилганлигини маълум қилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

Мазкур комиссиянинг Санок комиссияси раиси этиб М. Турсунов сайланганлиги тўғрисидаги 2018 йил 20 апрелдаги 1-сонли баённомаси Умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди.

Санок комиссияси томонидан Умумий йиғилишда жамиятнинг 39 707 183 дона овоз берувчи акциялари эгаси бўлган 17 та акциядори ва уларнинг вакиллари қатнашаётганлиги ва жамиятнинг овоз берувчи оддий акциялари эгаси бўлган акциядорлар эгалик қилган овозлар умумий сони (41 669 087 дона)нинг **95,29** фоизини ташкил этиши маълум қилинди.

Умумий йиғилиш томонидан Санок комиссиясининг Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 68-моддаси биринчи қисмига мувофиқ Умумий йиғилиш қворуми борлиги тўғрисидаги 2018 йил 20 апрелдаги 2-сонли баённомаси маълумот учун қабул қилинди ва Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши очик деб эълон қилинди.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси Ш. Махмудов, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун қуйидагича вақт белгиланишини таклиф этди:

Жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича Бош директор вазифасини бажарувчининг ҳисоботи учун – 15 минут;

Кун тартибининг 4, 5, 6, 7 ва 11-бандларида қайд этилган Кузатув кенгашининг, тафтиш комиссиясининг, аудиторлик ташкилотининг, Жамият йиллик ҳисоботларини эшитиш ва тасдиқлаш масалалари ҳамда Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласи бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 10 минутдан;

кун тартибидаги бошқа масалалар бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 5 минутдан;

музокарага чиқувчилар учун – ҳар бирига 5 минутдан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга –10 минут;

Умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга –10 минут.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

3. Жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича Бош директори вазифасини вақтинча бажарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш масаласида “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи Д. Холдаралиев маъруза қилди (маъруза матни илова қилинмоқда).

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

4. Жамият Кузатув кенгашининг 2017 йилдаги фаолияти ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини тасдиқлаш масаласи бўйича “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши аъзоси Ш. Махмудов маъруза қилди (маъруза матни илова қилинмоқда).

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

5. Жамиятнинг 2017 йил фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.

Тафтиш комиссиясининг хулосаси мазкур комиссия раиси К. Алимов томонидан ўқиб эшиттирилди (Тафтиш комиссиясининг хулосаси илова қилинмоқда).

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

6. Жамиятнинг 2017 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.

Жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича “Авантаж-аудит” МЧЖ томонидан 2018 йил 5 мартда берилган ижобий аудиторлик хулосаси Аудитор Э. Шайзаков томонидан ўқиб эшиттирилди (аудитор хулосаси илова қилинмоқда).

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

7. Жамиятнинг 2017 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

Жамият Бош бухгалтери Н. Атабаевнинг “Жамиятнинг 2017 йил учун йиллик ҳисоботи тўғрисида”ги маърузаси Умумий йиғилиш қатнашчилари эътиборига етказилди (маъруза матни илова қилинмоқда).

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

8. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш.

Жамият Бош бухгалтери Н. Атабаев томонидан Кузатув кенгашининг 2018 йил 06 апрелдаги 225–сонли баёни қарорига мувофиқ, Жамият бўйича 2017 йил фаолият якунига кўра олинган 11 312 947,1 минг сўмлик соф фойданинг:

6 337 868,1 минг сўм қисмини оддий овоз берувчи акциялар бўйича дивиденд тўловига;

565 647,4 минг сўмлик қисмини захира фондига;

12 675,0 минг сўмлик қисмини имтиёзли акциялар бўйича дивиденд тўловига;

2 815 076,1 минг сўмлик қисмини кейинчалик ўрнатилган тартибда устав фондиди ошириш шарти билан Жамият моддий-техника базасини янгилашга мақсадли йўналтириш;

219 794,7 минг сўмлик қисмини Жамиятнинг “Кузатув кенгаши тўғрисида Низом”ида белгиланганига мувофиқ ўз вазифасини бажарганлиги учун Кузатув кенгаши аъзолари ва котибига йиллик мукофот пули тўлаш учун;

219 794,7 минг сўмлик қисмини Жамиятнинг “Бошқарув тўғрисида Низом”ида белгиланганига мувофиқ ўз вазифасини бажарганлиги учун Жамият Бошқарув раиси ва аъзоларига йиллик мукофот пули тўлаш учун;

10 796,4 минг сўмлик қисмини Жамиятнинг “Тафтиш комиссияси тўғрисида Низом”ида белгиланганига мувофиқ ўз вазифасини бажарганлиги учун Тафтиш комиссияси аъзоларига бир маротабалик ҳақ тўлаш учун;